



ЕНГИЛ АТЛЕТИКА БИТИРУВЧИЛАРИНИНГ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ

Норкулов.Ш.М

*ЖДПУ Спорт Турларини ўқитиш
методикаси кафедраси катта
ўқитувчиси*

***Аннотация:** Ушбу мақолада Халқаро спорт таснифида (классификация) югуришлар, сакрашлар ва улоктириш гураи умумий тарзда "Енгил атлетика" деб юритилса да, у бошка спорт турларига батан кенг тармоқлилиги, бахслашиш, хакамлик қилиш, мусобақа ўтказилиши буйича жиддий фарк қилади ва кўпчиликини ўзига камраб олади. Мазкур соҳа буйича кадрлар тайёрлашда профессор-ўқитувчиларнинг касбий педагоги салоҳиятини ошириш замонавий таълимнинг энг муҳим муаммоларидан биридир. Тадқиқотнинг бу масалалар билан узвий боғлиқлиги манзунинг долзарбанидан беради*

***Ключи слова:** югуришлар, сакрашлар, улоктириш, педагогик маҳорат, инновацион технологиялар*

Республикада жисмоний тарбия ва спорт фаолияти соҳасида енгил атлетика буйича бакалаврларни тайёрлашда уларнинг илмий назарий билимларини шакллантириш ва Магистратура йўналишларига тайёрлашнинг педагогик технологиялари ҳамда мезонларни (талаб, чегара мезон) ўрганиш тадқиқотининг мақсад ва вазифалари хисобланади. Шу асосда

- ҳозирги давр такозо этаётган давлат сиёсати ва ундаги жисмоний тарбия ва спорт соҳаси буйича олиб борилиши лозим булган чора-тадбирларни мазмун ва шакл жиҳатдан урганиш

-Олий таълим тизимида енгил атлетика соҳасида кадрлар тайёрлаш ҳолатини кузати илмий-педагогик жиҳатдан таҳлил этиш

Бакалаврлар орасида магистратурага интилувчи ёшларни танлаш (кузатиш, тестлар ўтказиш ва ҳ.к.) ва уларга илмий-назарий билимлар беришнинг технологик жараёнлари ҳамда мезонларини белгилаш буйича тавсиялар ишлаб чиқиш. Тадқиқот натижаларини замонавий электрон техник воситаларда математик-статистик усулда ишлаб чиқиш услубидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари ва хулосалар. Истиклолнинг ҳозирги техник тараққиёт босқичи даврида барча соҳалардаги каби

Жисмоний тарбия ва спорт фаолияти жараёнларини ислоҳ қилиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг янги талабларини амалга ошириш масалалари буйича масъулиятлар тобора кенгайиб ва кучайиб бормокда. Жисмоний тарбия таълими тизими ва уларнинг тузилмаларида енгил атлетика спорт турининг барча тармоқларини кенг оммага сингдириш ва шу асосда



аҳолининг саломатлигини яхшилаш, ўқувчи, талаба ва ишчи-хизматчи ёшларнинг ҳар томонлама жисмоний тайёргарлигини ошириш каби кенг камровли ва ўта масъулиятли вазифалар давр талабига айланмоқда.

Бу ижтимоий-педагогик жараёнларда енгил атлетика турлари ва уларнинг тузилма- тармоклари бўйича бакалавр ҳамда магистрлар тайёрлашда уларни илмий-назарий билимлар билан тўла қуроллантириш муҳим аҳамиятга эга, яъни:

1. Енгил атлетика турлари бўйича тарихий ривожланиш маълумотлари, халқаро спорт турлари мусобақалари ва уларда Ўзбекистон енгил атлетикачиларининг эришган ютуқлари.

2. Енгил атлетика бўйича хорижий ва маҳаллий муаллифларнинг дарслик, ўқув-услубий кўлланимларидан самарали фойдаланиш, уларни таҳлил этиш.

3. Педагогик маҳорат ва инновацион технологиялардан етарли даражада сабоқ бериш.

4. Бўлажак магистрларни (танланган иқтидорли бакалаврлар) енгил атлетика турлари бўйича техник-тактик амалларнинг илмий-назарий мазмунлари билан чуқур таништириш.

5. Бакалавр талабаларида жисмоний тарбия ва спортда илмий тадқиқотлар тўғрисидаги билимларни шакллантириш.

6. Электрон техник воситалар (интернет) орқали ахборот, зарур маълумотларни порталга киритиш ва сайтларда сақлаш.

Бакалавр талабаларига илмий тадқиқот ишлари моҳияти, мазмуни, йўллари, услублари тўғрисида тушунчалар бериш ва бу борада:

1-илмий раҳбар томонидан берилган топшириқларга амал қилишга ўргатиш;

2-тадқиқот мавзусини ва режаларни аниқ белгилаш;

3-тадқиқотнинг долзарблигини асослаш, фарази, мақсад ва вазифаларини аниқлаш;

4-библиография (адабиётлар рўйхати) тузиш, улардан фойдаланиш технологияларини (кўчириш) ўзлаштириш;

5-енгил атлетика турларида муайян йўналиш (тармок) бўйича тадқиқот усуллари ишлаб чиқиш; тадқиқот олиб бориладиган манзиллар, кўлланиладиган асбоб-ускуналар ва асосий фаолиятни (предмет) белгилаш;

6-ташкилий-бошқарув жараёнларида ёрдам берувчи гуруҳлар ва шахсларни танлаш;

7-тажриба-синовлар ўтказишда ижтимоий-педагогик тадқиқотлардан (сухбат, савол- жавоб, мулоқот ва ҳ.к.) самарали фойдаланиш йўллари белгилаш;



8- тадқиқот натижаларини математик-статистик усуллар билан электрон техника воситаларида ишлаб чиқиш ва ишни муҳокамадан ўтказиш тартиб-қоидаларини пухта - ўзлаштириш каби тайёргарлик (III-IV босқичда) фаолиятларни шакллантиришни тўла амалга ошириш талаб этилади.

Таъкидлаш лозимки, енгил атлетика кафедраси профессор-ўқитувчилар пари юкорида зикр этилган илмий-назарий фаолиятни бакалавр босқичида тўла амалга оширишга муваффақ бўлмоқда. Яъни, мавзулар бўйича реферат, баёнлар ёзиш, босқич иши, малакавий битирув ишларини тайёрлашда илмий-назарий билимлар кенг қўлланилиб, булар кўникма малакаларни шакллантириш билан бир қаторда, магистр босқичига тайёрлашда ва зарур катта хизмат килмоқда.

Эътиборли томони шундаки, енгил атлетика ихтисослигига таълим олаётган бакалаврлар бу турнинг тармоқларида фаол иштирок этиш билан, аввало, касбий тайёргарликни эгалламоқда. Улар орасидаги иқтидорли талабалар лар келажакда магистратура босқичида таҳсил олиб, ўз соҳасида етук мутахассис олим бўлишига кизиқишлари кучаймоқда.

Хулоса тариқасида айтганда, спортчи-талабаларнинг (енгил атлетикачилар мустасно эмас) ўқув жараёнларида ихтисослиги (муайян спорт тури) бўйича илмий-назарий билимларга эга бўлиши илм-фанга кизиқишларини ошириш билан бир қаторда, турли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали мамлакат спорти ортини ривожлантиришга хизмат қилиши мумкин. Енгил атлетика турлари бўйича мутахассис кадрлар тайёрлашни кенгайтириш, бакалавр босқичидаги талабаларнинг амалий кўникма ҳамда илмий-назарий билимларини чуқурлаштириш, иқтидорли талабаларга магистратурага кенг йўл очиб бериш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев м.ж., олимов м.с., тўхтабоев н.т. енгил атлетика ва уни ўқитиш методикаси. Дарслик. “баркамол файз медиа” нашриёти тошкент-2017 й.
2. Нормуродов а.н. енгил атлетика. Тошкент ўқув-услубий қўлланма. Тошдши 2002 йил.
3. Ниёзов И. Енгил атлетика. Фарғона: Ўқув қўлланма. Фарғона нашриёти 2005 йил.
Юнусова Ю.М. Основы методики физической культуры. Учебное пособие Ташкент УзГосИФК2005 г
4. Jumadurdiyev, Bahodir. (2023). Turli yoshdagi kurashchilarda jismoniy sifatlarining... res kon 27.11.2023. 300-302.



5. Jumadurdiyev, Bahodir. (2023). Sambo kurashi shug`illanish jarayonida og`ir sport turlari bilan birga jismoniy mashqlar res kon. mart 2023. 470-472.
6. Jumadurdiyev, Bahodir. (2023). Tarbiyalashda kurashning ahamiyati...res kon. 27-11-2023. 297-299.
7. Jumadurdiyev, Bahodir. (2023). Kurashish san'ati va rivojlanish bosqichlari. 101-105. 10.5281/zenodo.7676518.
8. Jumadurdiyev, Bahodir. (2022). Belbog`li kurash sport turiga o`quvchilarni saralash tizimi va mazmuni. 84-86.
9. Jumadurdiyev, Bahodir. (2023). Kurash sportining o`rni va ahamiyati. 3. 113-119. 10.5281/zenodo.7824990.
10. Jumadurdiyev, Bahodir. (2023). Milliy kurashning ommaviylashivida xalq bohodirlarining o`rni... OAK ekonom.2023.
11. Jumadurdiyev, Bahodir. (2022). Mil kurashning rivoj tar va rivoj bos... Xal kon noyabr. 571-575.
12. Tilakov, A.A. (2023). Kurash tarixini ilmiy isbotlari. Uzbek scholar journal, 23, 16-19.
13. Tilakov, A. A. (2023). Zamonaviy sport-kurash qoidalarini pedagogik talqini. Ijtimoiy fanlarda innovasiya onlayn ilmiy jurnali, 3(12), 60-62.
14. Tilakov, A. (2023). Kurash haqida buyuk allomalar, shoh va shoirlarning qarashlari. Евразийский журнал академических исследований, (4Part2), 127-131.
15. Tilakov, Alisher. (2023). Mental enlightenment scientific - methodological journal dynamics of manifestation of a number of parameters of lopsided throws of a dummy through the chest among wrestlers under normal conditions and against the background of the aftereffect of vestibulokinetic load. 194-195. 10.37547/mesmj-
16. Tilakov, Alisher. (2023). Ёш курашчиларга техник ҳаракатлар турларини ўргатиш методлари. 1-2.
17. Tilakov, Alisher. (2023). Kurash Madaniyatining Shakillanishi jarayonlari masalalari.
18. Tilakov, Alisher. (2023). Kurash to'garaklariga yosh bolalarni (qizlarni) jalb qilish metodlari.
19. Komilov, Aziz. (2024). Eurasian journal of academic research o'zbek kurashi paydo bo'lishi va qoidalari. 10.5281/zenodo.7825002.
20. Komilov, Aziz. (2024). Yosh sambo kurashchilarning boshlang'ich.
21. Komilov, Aziz. (2024). Kurashchilarning texnik taktik mahoratini tarbiyalash.
22. Komilov, Aziz. (2023). Kurash qoidalari va xususiyatlari OAK 2023-dek. 178-180.
23. Komilov, Aziz. (2024). aziz 1-res kon 27.11.2023.